

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“СТАТИСТИКА” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 31:338.5(575.1)

ИСМАИЛОВА ШАХНОЗА УКТАМОВНА

ИНФЛЯЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК
ТАҲЛИЛИ

70410801 – Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

мутахассислиги бўйича

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц.


А.А Набиходжаев

Тошкент-2023

Магистрлик диссертация иши “Статистика” кафедрасида дастлабки
химоядан ўтган.

_____ -сонли баённома « _____ » _____ 2023 й.

Кафедра мудири,
доц : А.Х.Аюбжонов



ИМЗО

25.05.23
сана

Илмий раҳбар
доц : А.А.Набиходжаев



ИМЗО

_____ сана

Магистр:
Ш.У.Исмаилова




ИМЗО

23.05.2023
сана

Диссертация “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” факультети 2023 йил
“23” 05

№ MST-01/2 рақами билан рўйхатга олинган.

Факультет декани _____ проф., и.ф.д. А.У.Бурханов



АННОТАЦИЯ

Маълумки, мамлакатдаги жорий иқтисодий ҳолатни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар орасида нархлар статистикаси маълумотлари, энг аввало, истеъмол нархлари индекси, яъни инфляция кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткичдан кўплаб мақсадларда фойдаланилиб, истеъмол бозоридаги инфляция даражасини аниқлаш улар орасида энг кенг тарқалганидир.

Нархларнинг ва инфляция суръатининг ўсиб бориши нафақат мамлакатимиз иқтисодиётида, балки дунёнинг бошқа давлатлари иқтисодиётида ҳам жиддий муаммолардан бири бўлиб саналади. Товар ва хизматлар нархларининг қимматлашиши ўз навбатида мамлакат аҳолиси орасида турли хил баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сўнгги вақтларда аҳолининг нархлар ўсиши суръатларини яқиндан кузатиб бораётганлигини инобатга олиб “инфляция” ҳақида билишимиз зарур бўлган бир қанча муҳим омиллар ҳусусида тушунчага эга бўлиш керак.

Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар асосида мамлакатимизда инфляцион жараёнларни иқтисодий статистик таҳлил қилиш бўйича илмий ва амалий асосланган ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Калит сўзлар: *Истеъмол нархлари индекси, инфляция, дефляция, стагнация, ўртача нарх, ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, салмоқ, вазн.*

Summary

As you know, among the main indicators that represent the current economic situation in the country, the data of price statistics, above all, the Consumer Price Index, that is, the inflation indicator, is of particular importance. This indicator has been used for many purposes, and determining the level of inflation in the consumer market is the most common among them.

The increase in prices and the rate of inflation is considered one of the serious problems not only in the economy of our country, but also in the economy of other countries of the world. It is unlikely that the rise in prices for goods and services, in turn, will cause various controversies among the population of the country. Taking into account the fact that in recent times the population is closely monitoring the rates of price growth, it is necessary to have an understanding in the focus of several important factors that we need to know about "inflation".

Based on the studied and estimated data, we have developed a scientific and practical based summary, proposals and recommendations for the economic statistical analysis of inflationary processes in our country.

Key words: *Consumer Price Index, inflation, differentiation, stagnation, average price, manufacturers price index, swing weight.*

МУНДАРИЖА

Аннотация.....	3
Мундарижа.....	5
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	7
Келтирилган расмлар рўйхати.....	8
Келтирилган қисқартмалар.....	9
КИРИШ.....	10
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	11
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	12
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	13
Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	14
Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амали аҳамияти.....	14
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	14
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	16
1.1. Кириш.....	16
1.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи.....	16
1.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи.....	24
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	33
2.1. Тадқиқот дизайни.....	33
2.2. Маълумотларни тўплаш жараёни.....	33
2.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	33
2.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	36
2.5. Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими.....	36
2.6. Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	37
III БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.....	39
3.1. Ўзбекистон Республикасида йиғма истеъмол нархлари индексининг йирик гуруҳлари кесимидаги таҳлили.....	39
3.2. Индивидуал истеъмол таснифлагичи бўлимлари бўйича истеъмол нархларининг ўзгаришлари таҳлили.....	45
3.3. Таҳлиллардан олинган натижалар шарҳи.....	61

ХУЛОСА.....	63
Фойдаланилган адабиётлар.....	68
Иловалар.....	72

КИРИШ

Ҳозирги кунда, дунёда кузатилаётган глобаллашув жараёнлари барча миллий иқтисодиётлар олдига ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқишда ҳар томонлама чуқур ва пухта таҳлиллар асосида қарорлар қабул қилиш вазифасини қўймоқда. Бу борада, ижтимоий-иқтисодий ҳолат тўғрисида долзарб, ишончли ва тезкор статистика маълумотларини етказиб бериш муҳим ўринга эга.

Маълумки, мамлакатдаги жорий иқтисодий ҳолатни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар орасида нархлар статистикаси маълумотлари, энг аввало, истеъмол нархлари индекси кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткичдан кўплаб мақсадларда фойдаланилиб, истеъмол бозоридаги инфляция даражаси ва инфляцион жараёнларни белгилаб бериш ҳамда аниқлаш улар орасида иқтисодий статистика соҳасида энг кенг тарқалганидир. Инфляция кўрсаткичи ички истеъмол бозорида товарлар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, нархлар статистикаси маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида сўнгги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, бу борадаги амалий ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ ПҚ-4273-сон қарори билан белгилаб берилган чора-тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарор